Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 207 (6.398) 1987 йил 11 сентябрь, жума. Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз



## Бунёдкорлик ғурури

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 12-трестининг 50-қурилиш бошқармасида бўлганимизда Алим Ибраимов ҳақида жуда кўп илиқ гаплар айтишди. Бригада бошлиғи Рустамбек Бурхавитдинов жумладан унга шундай баҳо берди.

— Биласизми, қурувчиларнинг орасида ҳам фидокорлари, касбини жон дилидан севадиган, унга бутун умрини бағишлашга тайёр бўлганлари бор. Ана шулардан бири Алимдир. Бизнинг ҳамкорликда ишлаётганимизга кўп бўлгани йўқ. Аммо ундаги иштиёқ, аралаш касбларни ўрганишга бўлган интилиш, одамларга бўлган меҳр, касбини ардоқлаш туйғуси мени лол қолдирди. Қурилишда нималар бўлмайди, дейсиз. Гоҳ материал етишмаслиги, гоҳ бирон кишининг хизматга келмай қолиши туфайли тиғиз вазиятлар бўлиб туради. Ана шунда биринчи суянадиган, ишонадиган кишимиз Алимдир. У сувоқчиликни ҳам, пайвандчиликни ҳам, бетончиликни ҳам, монтажчиликни ҳам бир хил уддалай олади. Асосийси, ишни тез, нуқсонсиз бажаради. Бунинг учун катта тажриба ва кўникма керак. Буларнинг ҳаммаси Алимнинг энг яхши хислатларидан. Агар одамларга меҳрибонлиги, яхши ота эканлигини қўшимча қилсак, унинг ҳақиқий маънода чин инсон эканлигига ҳам ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, Алим Мамбетович Ибраимов қурувчилик касбига мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ меҳр қўйган эди. Ана шу орзу уни ҳунар-техника билим юртига етаклади. Армия сафида хизмат қилган уч йил давомида ҳам бу меҳр сўнмади. Аксинча, интиқлик туйғуси ривожланди. У хизматдан қайтиши билан дарҳол қурилишга ишга келди. Ўзининг тили билан айтганда, шаҳримизнинг қиёфасига янги ҳусн бўлиб қўшилаётган турар жой ва маиший биноларни тиклашга киришди. Вазифаларни иштиёқ, қунт ва ирода билан бажариши туфайли коллективда эътибор топди. Бир неча марта меҳнат беллашувида ғолиб чиқиб, таҳсинга сазовор бўлди. Ҳозир у корхонадаги энг тажрибали мураббийлардан бири. Касб сирларини ёшларга беғараз ва меҳр билан ўргатмоқда. Ибратли ишлари билан уларни олдинги марраларга ундамоқда.

СУРАТДА: монтажчи Алим Мамбетович Ибраимов.

Т. Каримов фотоси.

Зарбдор қурилиш одимлари

# Метросозлар вахтаси

Яқин йилларгача бу ерларда пастқам уйлар кўзга ташланарди. Эндиликда уларнинг ўрнини йирик турар жой комплекси эгаллаб бормоқда. Ишга туширилаётган маданий-маиший объектлар эса аҳолига тез ва самарали хизмат кўрсатишнинг қулай имкониятлари билан қамраб олинаётир. Келгусида «Ганга» магазини билан Чорсу бозори оралиғи янада гуллаб-яшнаши шубҳасиз. Қурилиш майдонларидаги фидокорона меҳнатнинг жадал одимлари ҳозирги кунда ана шундай натижанинг таъминланишидан далолат бериб турибди. Айниқса, метросозлар жадаллик билан иш олиб боришяпти. «Ғафур Ғулом» метро станцияси қурилиши қизғин паллага кираётир.

«Ғафур Ғулом» билан «Чорсу» метро станциялари оралиғида пўлат из магистралини «Ташметрострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли 5-участкаси қурувчилари барпо этмоқдалар. Уларнинг объектда иш бошлаганларига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо тез фурсатдаёқ кенг иш фронти яратишга эришилди. Қурувчилар дастлабки цикл ишларини шу йилнинг июнь ойида бошлаган эдилар. Ҳозир улар маълум масофада хандақ тайёрлашни ниҳоясига етказиб, бетон ишларини давом эттирмоқдалар.

— Графикдан бир неча кун ўзиб кетдик, — дейди биз билан суҳбатда қурилиш участкаси бошлиғи Александр Штрамель. — Чинакамига, фидокорона меҳнат қилиш ана шундай натижаларга эришишимизни таъминламоқда. Эртаю-кеч объектда метросозлар жавлон уришмоқда. Улар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишламоқдалар. Шу боисдан ҳам қурилиш-монтаж ишларини адо этишда дастлабки салмоқли натижалар қайд этилмоқда...

Метросозлар биринчилар қатори ленинградликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб ишни уч сменада ташкил этишга киришган эдилар. Мана, айни кунларда уч сменали иш режими улар эришаётган муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Қолаверса, қурувчилар истиқболли усул — бригада пудратининг афзалликларидан ҳам тўла фойдаланиб бормоқдалар. Шуниси қувончлики, бошқарма қурувчилари ўз ишларини мана шу самарали усул асосида ўтган йилнинг бошида трестда биринчи бўлиб ташкил этган эдилар. Бригада пудратининг қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришдаги роли қисқа фурсатдаёқ метросозларга аён бўлиб қолди. Ҳозирги кунда трестдаги бошқа коллективлар ҳам шу самарали усул афзалликларидан унумли фойдаланмоқдалар. Участка бунёдкорларининг иши эса тобора янги ютуқлар билан мустаҳкамланаётир.

— Қайта қуриш ва жадаллаштириш программасининг талаблари ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётган ҳозирги кунларда бригадамиз метросозлари ҳам бу хайрли ишга ўзларининг баракали улушларини қўшмоқдалар, — дейди III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени нишондори, машҳур бригадир Николай Александрович Надзорин. — Ишга янгича муносабатда бўлаётганлигимиз туфайли ҳам ана шундай муваффақиятга эришяпмиз. Ҳозирги кунда меҳнат интизомини бузувчиларга қарши курашиш каби муаммоларни ўйлаб бош қотириб ўтирмаймиз. Коллективимизда фаолият кўрсатаётган бригада советига қулай имконият яратади. Унга етти моҳир қурувчи бирлашган. Уларнинг ҳар бири етук малака ва тажрибага эга

Бригада советининг фаолияти камчиликларга қарши курашда қўл келаяпти. Қолаверса, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашда, меҳнат унумдорлигини оширишда, хўжасизликка қарши курашда, тежамкорликни кучайтиришда ёрдам бермоқда. Тўғри, дастлабки пайтларда унинг фаолиятига эътироз билдирувчи қурувчилар ҳам учраб турди. Бироқ, бу ҳол узоққа чўзилмади. Ўз ишига масъулият билан ёндошмаётган қурувчиларни коллектив бўлиб тарбияладик. Муносиб деб топилмаганларнинг баҳридан ўтишга тўғри келди. Ҳозир бригадамиздаги муҳит яхшиланган. Ҳамма бажарадиган ишининг моҳиятини тўла ҳис этади.

Метросозлар эришаётган ютуқларнинг яна бир сири ҳамжиҳатлик билан қилинаётган меҳнатдадир. Коллективда турли миллат вакилларидан иборат бўлган 60 қурувчи ишлайди. Шуларнинг 35 нафари метро қурилишига жалб этилган. Қолганлари бошқа объектда зарур ишларни бажариш билан банд. Владимир Чеганов, Евгений Чернишев, Виктор Лукьянов, Григорий Авдеев сингари кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган моҳир метросозлар айни кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейи шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бригада коллективи эса бу муҳим санани сифатли иш бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган эди. Айни пайтда кўзланган марра дадил эгалланмоқда. Қурувчилар биргина ўтган ойнинг ўзида бу ерда 165 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини адо этдилар. Шунинг бир неча минг сўми август ойи планига қўшимчадир.

— Энг муҳими инсон ўз меҳнатидан чуқур қониқиш ҳосил қилиши керак, — дейди бригада қурувчиси Хомиджон Фарахиддинов. — Ана шундагина унинг меҳнати завқ-шавқ бағишлайди. Бажараётган ишимизга қараб баъзан завққа тўламан. Назаримда биз худди ўз ишимиз билан эртанги куннинг қувончларини яратаётганга ўхшаймиз.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Пешқадамлар сулоласи

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг тикувчи-мотористи М. Шамсиматова тўртинчи хил — чок бостирадиган машинани ўзлаштирди. Бундан олдин ёш ишчи машиналарнинг уч турида ишлашни ўрганиб олган эди.

Маъруфа нормани мунтазам ошириб бажармоқда ва айни пайтда юқори сифатли маҳсулот бермоқда. У беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача бажаришга аҳд қилган.

М. Шамсиматова тикув цехида атиги уч йилдан буён ишлаётган бўлса ҳам ана шундай муваффақиятларга эришди. Бунда ота-онаси ёрдам берди, уларнинг трикотаж бирлашмасидаги умумий меҳнат стажи ярим асрга яқинлашиб қолди. Тажрибали тикувчи-моторист, мусобақа пешқадами Гулсин Шамсиматова қизига браксиз ишлашни, меҳнатнинг тезкор методларидан фойдаланишни, техникани намунали асрашни ўргатди. Отаси Йўлдош Шамсиматов қизини меҳнатсевар, ҳалол қатъиятли қилиб тарбиялади. Унинг ўзи иккинчи тўқув участкасида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлайди, учинчи даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

(ЎзТАГ).

Мусобақа ғолиблари

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага ҳар ўн кунда якун чиқарилади. Кейинги уч ўн кунлик якунига кўра фахрли ўринни қуюв цехи коллективи эгаллади.

Бригадалараро меҳнат беллашувида 3-цехнинг Т. Мальцев бошлиқ қирқувчилар бригадаси, жилолаш участкасидан К. Ковтун, 10-цехдан И. Исмоилов бошлиқ металларга техник ишлов берувчилар бригадалари яхши натижаларга эришишди.

Ишчилар орасида социалистик мусобақа ғолибларидан 24 кишига, жумладан А. Лимар, электр пайвандчи А. Г. Шур, токарь А. Ёқубов, фрезерчи Ш. Салимов, қолипловчи П. В. Костриков, пармаловчи Д. Камолова ва бошқаларга «Ўз касбининг устаси» унвони берилди

Уй тўйлари яқин

Кейинги пайтда Юнусобод массивида 5 та болалар боғчаси ва 4 та мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ўн иккинчи беш йилликда массивда 780 минг квадрат метр турар жой бинолари қурилиши мўлжалланган.

Турар жой массивини бунёд этаётганлар орасида 3-уйсозлик комбинати бинокорлари ҳам бор. Чунончи, шу комбинат 2-қурилиш бошқармасининг В. А. Демедов ва Ў. Зокиров етакчилигидаги комплекс бригадалари қурилиш-монтаж ишларини аъло сифатли бажариш билан бирга ойлик планларини мунтазам ошириб адо этишаяпти.

Бу коллективларнинг аъзолари йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунга қадар бажаришга аҳд қилишган бўлиб ваъдага вафо қилиш учун байрамолди меҳнат вахтасини авж олдирмоқдалар.

# Қувончли ўзгаришлар

Давлат қабули: сифат кафолати

Маҳсулотнинг давлат қабулига ўтилган дастлабки кунларни эсласам беихтиёр таажжубга тушаман. Ўша пайтларда янги шароитга ўзича ҳар хил фикр билдирувчи ишчилар ҳам орамизда йўқ эмасди. Уларга давлат қабулининг ўткир иш принципи тез орада таъсирини ўтказди. Аммо бунга эришгунча не-не заҳматлар чекилмади дейсиз. Бу нарса Мирвоҳид Юсупов бошчилик қилаётган комсомол ёшлар коллективида эса деярли кўзга ташланмади. Ҳозирги кунга келиб бригада сифат жонкуяри тариқасида тилга тушмоқда. Унда тайёрланаётган маҳсулотнинг катта қисми биринчи тақдимдаёқ давлат қабули назоратчиларига манзур бўлаётир.

Албатта масъулиятни ҳис этган ишчининг ютуғи ҳамиша мана шундай қувончли бўлади. Яхши ишлашнинг хеч қандай сири йўқ. Бунга ишга янгича муносабат бўлса бас. Бригада ҳозирги кунда ўзида ана шундай иш принципини қарор топтирганини билан бошқа коллективлардан ажралиб турибди. Унинг ишчилари ҳамиша мусобақа шартларида белгиланган талабларни бажаришда жонбозлик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, коллективда юзага келган фидойилик ва ишга талабчанлик улар эришаётган муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда.

Бизнингча бундай беллашувларнинг келгусидаги аҳамияти жуда катта. Энг муҳими эса ана шуни ҳис этиб ишлашга боғлиқдир.

З. АБДУРАСУЛОВА,
СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси 26-йиғув механика цехи биринчи участкаси сифат назоратчиси.

# Хўжалик шартномаси асосида

Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари институтининг ўқитувчилари ва студентлари илмий тадқиқот ишларини программа тармоқ планлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги системасига ўтдилар. Улар бу йил ишлаб чиқариш ходимлари билан 1 миллион сўмликдан кўпроқ хўжалик шартномаси туздилар.

Эндиликда олий мактаб фани конкрет вазифаларни хал этишга қаратилди. Чунончи, механика факультетида стационар шароитда тепловозларнинг узеллари ва агрегатлари техник диагностикаси методикаси ишлаб чиқилди. Бу методика Ўрта Осиё темир йўлининг жуда кўп тепловоз деполарида жорий этилди.

Металлар технологияси кафедрасининг ходимлари куч-ғайратларини стрелкаларни суриш крестовиналари чидамлилигини оширишга қаратдилар. Уни жорий этишнинг самараси бир неча ўн минг сўмга боради.

1986 йил июнидан шу йилнинг июнига қадар олий ўқув юртлари илмий-тадқиқотларининг иқтисодий самараси 2 миллион 415 минг сўмни ташкил этди. Янги системага ўтиш студентларнинг ҳам ижодий активлигини оширди. Бўлажак юзлаб инженерлар институт лабораторияларида ишлаб чиқариш буюртмаларини бажармоқдалар, мураккаб назарий ва амалий вазифаларни ҳал этмоқдалар.



«Ташгортрикотаж» ишлаб чиқариш бирлашмаси 10-цехининг илғор тўқувчилари Н. Гопошина билан М. Шулмистр саккиз ойлик топшириқларини муддатидан олдин бажарди.

Бу мусобақадош тўқувчилар Япония ва Ҳиндистон мутахассислари ҳамкорлигида яратилган «Бродер-5» тўқув машиналарида жакет, жилет, болалар шапкалари, кўйлаклари, костюм, рўмолчалар ва бошқа харидоргир маҳсулотлар тайёрлашади. Цехда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 60 процентдан ошиқроғи жажжи ўғил-қизларимиз учун аталган. Бу икки мусобақадош дугона Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига пландан ташқари 1 минг 300 сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олишган.

СУРАТДА: Н. Гопошина ва М. Шулмистр.

## ЗАВОД... САВДО ҚИЛМОҚДА

Тошкентдаги иккинчи ёғочсозлик заводининг Олмалиқ филиалидан пол тахтаси, плинтус, рейка, посилка ва сабзавот қутиларини харид этиш мумкин. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан тайёрланмоқда. Бу моллар магазинларда тўхтаб қолмаётир. Корхона халқ истеъмоли моллари планини муваффақиятли бажармоқда.

(ЎзТАГ).

## Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда

«Изчил интернационализм — давр тақозоси» — ягона сиёсий куннинг мавзуи ана шундай.

## ВЕТЕРАНЛАРНИНГ ВРАЧЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

9 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтининг партия, уруш ва меҳнат ветеранлари республиканинг етакчи врачлари билан учрашдилар. Учрашувни уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Медицина ходимлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССР аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси муҳокамаси қандай бораётганлиги, республикада медицина хизматини такомиллаштириш юзасидан қандай тадбирлар кўрилаётганлиги, уруш ва меҳнат ветеранларига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун нималар қилинаётгани ҳақида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).

## Бастакорлар оромгоҳда

«Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғидаги учрашувга композиторлардан Совет Варелас ва Нодим Норхўжаев ташриф буюрдилар.

Санъат мухлислари бастакорларнинг ижоди ва режалари билан танишдилар. Музика санъати ҳақида қизиқарли суҳбатни тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Учрашувнинг концерт программаси композиторларнинг янги асарларидан иборат бўлди. «Ўзбекистон — муҳаббатим менинг», «Куз қўшиғи», труба ва фортепьяно учун концерт ҳамда «Ёшлик дейди», «Ўлкам тонги», «Механизатор қиз қўшиғи» каби музика асарлари ва қўшиқлар томошабинлар томонидан самимий кутиб олинди. Янги музика асарлари ва қўшиқларни А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг солистлари Виктор Веригин, Мария Султонова, хонанда Наталья Шабалина ҳамда Тошкент маданият институтининг студенти Мунирахон Мўминова ижро этишди.

Б. РАСУЛОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида турли миллатнинг 14 фарзандини тарбиясига олиб, турмуш ўртоғи темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов билан гражданлик, интернационал жасорат кўрсатган, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Баҳри Шомаҳмудованинг касалликдан сўнг 1987 йил 10 сентябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилдилар:

Улуғ Ватан уруши йиллари гитлерчи босқинчилар вақтинча босиб олган территориялардан эвакуация қилинган турли миллатнинг 14 фарзандини тарбиялаб, гражданлик, интернационал жасорат кўрсатган, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Баҳри Шомаҳмудовани дафн қилишни ташкил этувчи комиссия қуйидаги составда тузилсин: Ҳ. Ё. Охунжонов — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари (комиссия раиси); Қ. М. Рафиқов — Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири; В. Ф. Манастиретская — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари; А. Е. Викторов — Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари; Х. М. Усмонова — Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси; Х. У. Турсунова — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети социал таъминот бошқармасининг бошлиғи; С. С. Охунжонов — уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар Советининг раиси; А. П. Хлебушкина — Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори.

## РЕСПУБЛИКА АҲАМИЯТИДАГИ ШАХСИЙ ПЕНСИОНЕР БАҲРИ ШОМАҲМУДОВАНИ ДАФН ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОМИССИЯСИДАН

Марҳума билан видолашув 1987 йил 11 сентябрда соат 16.00 да Октябрь районининг Шомаҳмудов кўчасидаги 105-уйда, 1-ўқув-ишлаб чиқариш комбинати биносида бўлади.

Дафн қилиш маросими 1987 йил 11 сентябрь соат 17.30 да Форобий кўчасидаги Чиғатой қабристонида бўлади.

Телетайп лентасидан

● АММОН. Фаластин жанубида жойлашган Бир ал-Сабоа турмасидаги фаластинлик маҳбуслар мажбурий ишни бажаришдан бош тортдилар ва нозимларнинг қўпол ўзбошимчалиги ва зўравонлигига чек қўйишни талаб қилдилар. Аммонда чиқадиган «Ал-Рай» газетасининг хабар қилишича, маҳбуслар санитария нормаларига зид шароитда сақланмоқда, оғир ишларда шафқатсиз эксплуатация қилинмоқда. Исроил турмаларининг соқчилари маҳбусларнинг норозилигига жавобан камераларга бостириб кириб, таёқ ва кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган гранаталарни ишга солиб, улардан шафқатсиз ўч олдилар. Фаластинлик маҳбуслар орасида ярадор бўлганлар бор.

● ЖАЗОИР. Жазоирдаги энг катта «Ибн Халдун», залида очилган фотокўргазма Жазоирнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорлигига бағишланган бўлиб, у жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Турли давлат ва жамоат ташкилотларининг намояндалари кўргазмага келдилар.

Социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз Жазоир халқининг миллий озодлик кураши даврида юзага келган эди, деб ёзади шу муносабат билан «Эл-Мужаҳид» газетаси. Социализм мамлакатларининг кўмаги ва мадади туфайли Жазоир революцияси ғалаба қозонди, шу сабабли мамлакат мустақилликка эришгандан кейин бу муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлиги табиийдир, деб таъкидлайди газета.

● ДЕҲЛИ. Ғарбий Бенгалия штатининг катта территорияси, Бихар ва Ассомнинг шимоли кулфат юз берган районлар, деб эълон қилинди. Бу ерда ёққан муссон ёмғирлари сўнгги йиллардаги энг кучли сув тошқинини келтириб чиқарди. Ганг, Брахмапутра дарёлари ва уларнинг ирмоқлари тошиб, юзлаб қишлоқларни сув босди. Матбуот хабарларига қараганда, Бихарнинг ўзидагина табиий офат натижасида 40 га яқин киши ҳалок бўлди. Деҳқонларнинг ўн минглаб гектар экинзорлари сув остида қолди, экономикага жуда катта зарар етди.

Уттар-Прадеш, Химачал-Прадеш штатларининг турли районларида ҳам сув тошқини хавфи пайдо бўлди, ана шу территорияларда яқинда муссон ёмғири ёғиб ўтди. Марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият жабрланган аҳолига ёрдам бериш юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқда. Деҳқонларга текин овқат ва дори-дармон берилмоқда, тўғонлар ва бошқа ҳимоя иншоотлари жадаллик билан қурилмоқда. Бироқ сув тошқини зонасида оғир аҳвол сақланиб турибди. Маъмурлар очлик ва эпидемия манбаларининг вужудга келиши эҳтимоли бор, демоқдалар.

